



ҚАДИМГИ ТУРКИЙ МАҚОЛЛАР ТУЗИЛИШИДА АЛЛЕГОРИЯ ВА ТАЗОДНИНГ ЎРНИ

МИРЗААЛИЕВ ИҚБОЛЖОН

мустақил тадқиқотчи, ТДШИ

Аннотация. Халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанрларидан бири бу мақолдир. Мақоллар бирор халқнинг асрлар, йиллар оша ўз кўрган-кечирган ҳаётий тажрибалари асосида шаклланган, сайқалланган қисқа шаклдаги асар намуналаридир. Халқ орасидаги бирор фикрнинг мақол бўлиши, унинг ихчам шаклга келиши учун йиллар керак бўлади. Бунда мақол бўлмоқчи бўлган фикрнинг хулосага эгалиги ҳам аҳамиятлидир. Чунки ҳар бир айтилган фикр мақол бўла олмайди. Мақол бўлиши учун бирор воқеа-ҳодисага ҳукм чиқарилган, хулосаланган бўлиши талаб этилади.

Куниimizгача йирик ҳажмдаги ёзма шаклда етиб келган мақоллар XI аср тилишунос, фольклоришунос олими Маҳмуд Қашгарий қаламига мансуб “Девону лугати-т-турк” асаридан ўрин олган. Асарда мақоллар бирор туркий сўзнинг маъно-мазмунини ифодалаш, очиш учун фойдаланилган. Адиб ўз асарида уч юзга яқин мақоллардан фойдаланган бўлиб, уларнинг баъзилари такрорланган ҳолда, баъзилари эса қисқарган шаклларда келади.

Қадимги туркий мақоллар ўз тузилишига эга. Уларнинг тузилишида бадиият билан бирга тил ҳодисалари, услуби ҳам ўзгачадир. Айниқса, тил ва бадиият уйғунлиги, уларнинг мақол маъно-мазмунига таъсир ўрни каттадир. Бундай тасвир воситалари орасидаги аллегория ва тазод қадимги туркий мақолларнинг катта қисмида учрайди. Мазкур мақолада айни икки ҳодисанинг қадимги туркий мақолларда қўлланиш ўрни, мақол маъно-мазмунига таъсири масаласи ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: халқ оғзаки ижоди, мақол, Маҳмуд Қашгарий, “Девону лугати-т-турк”, аллегория, тазод.

Аннотация. Одним из уникальных жанров фольклора является пословица. Притчи являются примерами краткой, отточенной работы, основанной на опыте людей на протяжении многих веков. Общественному мнению понадобятся годы, чтобы стать общеизвестным, и оно будет компактным. Также важно, чтобы идея, которую вы хотите процитировать, была убедительной. Потому что не каждая мысль – это пословица. Чтобы стать общеизвестным, событие должно быть оценено и обобщено.

Пословицы, написанные в больших количествах до сегодняшнего дня, были впервые даны в «Дивану лугати-т-турк», произведении лингвиста и фольклора 11-го века Махмуда Кашгари. В работе пословицы используются для выражения значения и значения тюркского слова. Автор использует около трехсот пословиц в своей работе, некоторые из которых повторяются, а некоторые приходят в сокращенной форме.

Древнетюркские пословицы имеют свою структуру. По своей структуре, наряду с художественной литературой, языковые явления и стили различны. В частности, сочетание языка и искусства играет важную роль в влиянии на смысл пословицы. Аллегория и тазод (противоположность) среди таких наглядных пособий встречаются во многих древнетюркских пословицах. В этой статье исследуется роль этих двух событий в древнетюркских пословицах и их значение для значения пословиц.

Опорные слова и выражения: фольклор, пословица, Махмуд Кашгари, «Дивану лугати-т-турк», аллегория, тазод (противоположность).

Abstract. One of the unique genres of folklore is the proverb. The proverbs are examples of a brief, polished work that is based on the experiences of a nation over many centuries. It would take years for a public opinion to be proverbial, and it would be compact. It is also important that the idea you want to quote is conclusive. Because not every single thought is a proverb. To be proverbial, an event must be judged and summarized.

Articles written in large volumes to date have been published in the “Devonu Lughati-t-Turk”, a work of the 11th century linguist and folklore scholar Mahmud Kashgari. In the work proverbs are used to

express the meaning and meaning of a Turkic word. The author uses about three hundred proverbs in his work, some of which are repeated and some come in abbreviated form.

Ancient Turkic proverbs have their own structure. In their structure, along with fiction, language phenomena and style are different. Especially, the combination of language and art plays an important role in influencing the meaning of the article. The allegory and confusion among such visual aids is found in many of the ancient Turkic proverbs. This article explores the role of these two events in ancient Turkic proverbs and their impact on the meaning of the article.

Keywords and expressions: folklore, proverb, Mahmud Kashgari, "Devonu Lughati-t-Turk", allegory, the art of contrasting.

Кириш. Ҳозирги кунга қадар яратилган адабиётларда ўзбек халқ мақолларининг пайдо бўлиш жараёни хусусида шундай фикр билдирилади: «Халқнинг қалбида ибратли фикр, ҳаёт ҳақидаги хулосалар пишиб, етилиб турган бўлади. Кўпни кўрган, зукко ва гапга чечан бир одам уни бир неча сўз воситасида юзага чиқаради. Шу тариқа мақол пайдо бўлади, – деб изоҳлайди. Ҳақиқатан ҳам, аслида аввал оғзаки нутқда пайдо бўлувчи мақоллар оғзаки нутқимизда кенг қўлланилади. Улар нутқимизни ихчам ва равон, теран ва мазмунли баён қилишга ёрдам беради»¹.

Қадимги халқ мақолларининг пайдо бўлиши тўғрисида мутахассис олимлар турлича фикрларни билдирганлар. Жумладан, профессор Қ.Содиқов қадимги туркий мақолларнинг пайдо бўлиши тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтади: «Қадимги туркий мақолларнинг яратилган даври аниқ эмас. Машҳур алломаларимиз уларни минг йил бурун қоғозга туширган бўлса-да, ушбу мақоллар асрлар қаърига илдиз отган. Уларнинг баъзиларида яратилган даврининг илдизларини ҳам сезамиз. Жумладан, «Савобли ишлар қилувчи киши бурхон билан баробар, Диёнатсиз киши мис танга билан баробар» мақоли буддизм муҳитида яратилгани тайин. Мақолда келган «бурхон» – буддизм динида буддадир. Ушбу мақолда «ҳайрли ишлар қилувчи инсон будда билан баробардир, диёнатсиз кишининг эса қадри йўқдир», деган маъно мужассамлашган. Ёки «Ҳазилатли киши жавоҳирга тенгдир, ҳазилатсиз киши этик ичидаги патакка тенгдир» мақоли ҳам айни муҳитнинг ҳосили. Бунинг сабаби, буддизмда учлик: будда, унинг таълимоти ва жамоа муқаддас саналган»². Кўринадики, мақолларда келган айрим сўз ва атамалар қадим туркларнинг ишонч-эътиқодларида қўлланилса, уларнинг яратилган даврини ўша муҳитга боғласа бўлади. Аммо шуни ҳам айтиш керак-ки, бундай сўзлар ҳар доим ҳам мақолларда қўлланавермайди.

Асосий қисм. Мақолларнинг халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги уларнинг миллий ўзига хослигини, айни пайтда, умумбашарий характери билан белгилаб беради. Бу икки жиҳат қадимги турк халқ мақолларининг тематикасида, воқеликни акс эттириш тарзида, бадиий-тасвирий воситаларида ва ниҳоят, тилда ўз ифодасини топган.

Мутахассисларнинг фикрича, мақоллар асрлар оша янгилашиб турган. Ҳар бир даврнинг ўз мақоли амалда бўлган. Жумладан, ўрта асрларда, зулмкор золимлар зулмидан келиб чиққан мақоллар ҳам учрайди. Масалан: «Камбағалнинг оғзи ошга етганда, бурни қонайди», «Аминнинг ошидан фақирнинг мушти яхши», «Ҳолвани ҳоким ер, калтакни етим ер», «Қийшиқ арава йўл бузар, Қози, мулла эл бузар» каби³.

Профессор Қ.Содиқов халқ мақолларига қуйидагича таъриф беради: «Мақол – халқнинг юз йил кузатиб, бир айтган сўзи. Уларда халқнинг фалсафий мушоҳадаси, олам, ҳаёт ва жамият ҳақидаги қарашлари, уларга муносабати акс этган. Мақолнинг қудрати – у кишини тарбиялайди,

¹ Qo'shoqov M. So'z ko'rki maqol (Word citation is proverb). – Toshkent, 1963. – B. 4.

² Sodiqov Q. Turkiy yozma yodgorliklar tili: adabiy tilning yuzaga keligi va tiklanishi (Language of Turkish written monuments: the emergence and revival of literary language). – Toshkent. 2006. – B. 78.

³ O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi (Folklore). Toshkent. O'qituvchi. 1980. – B. 110-111.

хаётнинг паст-баланди, оқ-қораси ҳақида сабоқ беради. Ота сўзларида бор нарсага парда ортидан қараш, ноқаснинг айбини яшириш, хушомад, кўзбўямачилик тушунчаси йўқ. Улар кишини тетик ва иродали қилади, ҳаётга тўғри кўз билан қарашни ўргатади. Халқнинг бу доно фикрлари лўнда ва аниқ жумлаларда берилиши билан ҳам ажралиб туради. Мақоллар услубий ва бадиий жиҳатдан мукамал бўлиб, халқ бадиий тафаккурининг олий маҳсулидир. ... Мақол киши нутқининг бегадидир. Мақолни ўрнида ишлата билганнинг сўзи таъсирли бўлади. Сўзамол киши сўз орасида келтирган ажойиб отасўзи билан кўпнинг эътиборини ўзига торта олади»¹.

Мақолларнинг яна бир хусусиятларидан бири уларнинг топишмоққа ўхшаш тузилишидадир. Бундай мақолларда, асосан икки ҳодиса бир-бирига ўхшатилади. Ана шу ўхшатиш орқали мақолнинг маъноси келиб чиқади. Масалан, «Ёз ёмғири лой бўлмас, ўғри асло бой бўлмас»². Мазкур мақолда икки ҳодиса бир-бирига таққосланмоқда: биринчиси ёз ёмғири, иккинчиси эса ўғрининг ҳеч қачон бой бўлмаслиги. Мақолнинг иккинчи ҳодисаси хулоса, ҳукмдир. Уни англаш учун мақолдаги биринчи хулосани аввал англаш керак. Биринчи гапда ёзнинг ёмғири лой бўлмас, дейилмоқда. Бундан ёзда ёккан ёмғир ерни баҳорда ёккан ёмғирчалик лой қила олмаслиги назарда тутилмоқда. Яъни, иккинчи гапга айнан шу мазмунни сингдирсак, ўғри ўғрилигини қилавергани билан бой бўлиб қолмайди, дейилмоқда.

Қадимги туркий мақолларининг илк ёзма шакллари Турфон харобаларидан топилган ёдгорликларда учратиш мумкин. Ҳозирда мазкур манбалар Берлиндаги Бранденбург музейи фондида сақланмоқда. Т.П.Ҳ.19 рақамли қўлёзмада жами ўн тўрт мақол берилган³. Уларнинг баъзиларида буддизмга оид сўз-тушунчалар қўлланган бўлиб, уларнинг яратилган даврини турк-будда муҳитига тақаш мумкин.

Йирик ҳажмда кунимизгача ёзма шаклда етиб келган мақоллар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида учрайди. Адибнинг ушбу асари адабий қиммати юксак бўлган дурдона манбалардан биридир. Шеърый парчалар орасида бадиий жиҳатдан юксак қимматга эга бўлганлари ҳам учрайдики, олим яшаган даврда шеърят анча раванқ топганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам XI асрда мавжуд бўлган тил вазияти ва жонли тил намуналарини ўрганишда асарнинг қиймати юқори ҳисобланади. Адиб китобнинг кириш қисмида қуйидагича фикр айтади: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим»⁴.

«Девону луғати-т-турк» – ўз даври адабий ва умумхалқ тилининг бутун бир кўринишини акс эттирган, қонун-қоидаларини маълум қилишга туширган илмий тадқиқот асаридир.

Муаллиф буюк тилшунос вазифасини бажариш билан чекланмай, адабиётшунос ва фольклоршунос сифатида масалага ёндашиб, ҳар бир сўз қўлланган ашёвий мисолларни замониғача ва ўзига яратилган адабий манбалардан келтиради. Агар мутахассис нигоҳи билан қаралса, Маҳмуд Кошғарий бадиий асар намуналарини шунчаки келтириб қолмаган, уларни жанр жиҳатидан келиб чиқиб тасниф ҳам қилган. Таснифдаги ҳар бир асарга жанр тавсифини берган, уларни қўлланган асарлар, бу асар мансуб қабиалар ва айрим ўринларда уларнинг муаллифларини ҳам тилга олган.

Маҳмуд Кошғарий юқоридаги тамойиллар асосида туркий халқларнинг жонли тил намуналарини мукамал изоҳлаб берар экан, улар «Девону луғати-т-турк» асари асосида ўз тиллари қайси қабила тили асосида тараққий этиб камолга етганини аниқлай оладилар⁵.

¹ Sodiqov Q. Turkiy yozma yodgorliklar tili: adabiy tilning yuzaga keligi va tiklanishi (Language of Turkish written monuments: the emergence and revival of literary language). – Toshkent. 2006. – B. 78.

² O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi (Folklore). Toshkent. O'qituvchi. 1980. – B. 114.

³ Arat R.R. Eski türk şiiri (Old Turkic poetry). – Ankara: Türk tarih kurumu basımevi. 1991. – S. 272-275.

⁴ Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2017. – B. 15.

⁵ Usmon Turon. Turkiy xalqlar mafkurasi (The ideology of Turkic peoples). – Toshkent: Cho'lpon, 1995. – B. 78.



«Қадимги халқ мақоллари, халқ достонлари ва қўшиқларидан олинган парчалар, иборалар, кўплаб мисоллар, шунингдек, шева материаллари асар учун манба бўлиб хизмат қилган»¹.

XI асрда шаҳар ва қабилалар ўртасидаги муносабат кучайди. Лекин тилда хилма-хил шаклларни қўллаш ҳукмронлик қилиб, ана шу давр тилида маълум меъёрларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлган эди. Шу эҳтиёж Маҳмуд Кошғарийни «Девону луғати-т-турк» асарини ёзишга даъват этди. Бу асар туркологиянинг дастлабки намунаси сифатида ўша давр маданий ҳаётида ва тилшунослик тарихида алоҳида саҳифа очди².

Асар саҳифаларидан туркий халқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, 400 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 250 га яқин шеърий парчалар ўрин олган. Шеърий парчаларнинг кўп қисми туркий халқлар оғзаки ижодида хос тўртликлардан иборат.

Қадимги доноларнинг ўнгитлари оталар сўзидир. Маҳмуд Кошғарий қадимги адабий жанрлар ҳақида маълумот берар экан, *saw* ўзагига *-lašdi* қўшимчасини қўшиш орқали туркий халқлар оғзаки ижодида мавжуд бўлган яна бир жанр тўғрисида маълумот беради. «*Sawlašdi* – масал айтишди. *Ol meniḡ birlä sawlašdi* – у мен билан масал айтишди, у менга масал айтди. Шунингдек, хабарлар, сўзлар, ҳикоялар айтишга ҳам бу сўз қўлланилади» (ДЛТ, 273³). Демак, *saw* – кейинги давр адабиётида мақол (арабча) номи билан ифодаланган жанр мазмунини ҳам қамраб олади.

Бундан ташқари, «Девону луғати-т-турк»да *bilig* (*bil-* – ўзак, *-(i)g* – феълдан от ясовчи қўшимча) сўзига «билим», «ҳикмат» ва «ақл» деб изоҳ берилган. *Bilgü* (*bil* – ўзак, *-gä* – феълдан от ясовчи қўшимча) ҳикмат айтувчи, ҳикматшунос, оқил, доно, ақлли, олим кишига нисбатан қўлланади. Демак, *bilig* сўзи ҳам маълум маънода ҳозирги ўзбек тили луғат бойлигидаги мақол жанрининг мазмунини ифодалайди. Девонда берилган *bitig* – мақоллар орасида ихчам масаллар ҳам учрайди. Шу сабабли ҳам *bitig*лар таркибидаги *saw* – масалларни ажратиб ўрганиш ўзига хос илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Қуйидаги битигни *saw* – масал деб аташ учун масал жанри талаби тақозо этади.

Ešiç ayur: tübüm altun.

Qamiç ayur: men qayda-men / qanda-men?

Мазмуни:

«Қозон айтур: тубим олтин,

Чўмич айтур: мен қайдаман?» (ДЛТ, 35)

«Девону луғати-т-турк» асари ҳозирги кунга қадар тилшуносликнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб келмоқда. У тил тарихини ёритишда ўз қимматини сақлаб қолмоқда ва қадимги адабий ёдгорликлар тилини ўрганишга хизмат қилмоқда. «Девону луғати-т-турк»нинг вужудга келиши туркий тилларнинг тарихий тақомили, уларнинг маданий ҳаётида, жумладан, илм-фанда кенг ўрин эгаллаганини кўрсатувчи ва далилловчи катта бир манбадир.

«Мақол» сўзи асли арабча (*maqāl* - *مقالة*) бўлиб, унинг туркча эквиваленти «отасўзи» дейилади⁴. Ҳозирда ушбу атама замонавий турк тилида «мақол» сўзи ўрнида қўлланади. ««Мақол»ни қадимги турклар *saw*, *ögüt*, *qutaru söz* деган»⁵. Юсуф Хос Ҳожиб мақолларга

¹ Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2017. – B. 4.

² O'rinboev B., Aliev A. O'zbek adabiy tili tarixi (History of Uzbek literary language). – Toshkent: O'qituvchi, 1995. – B. 66.

³ ДЛТ - Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2017. Мақоллар ушбу нашрдан олинди.

⁴ Бу ҳақида қаранг: Türk dünyası edebiyat kavramları ve terimleri ansiklopedik sözlüğü (Turkish world literature concepts and terms encyclopedic dictionary). Türk dünyası ortak edebiyatı. Cilt 1. Ankara. Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı. 2001. S. 250-257.

⁵ Sodiqov Q. İlk o'rta asrlarda Markaziy Osiyoda kechgan etno-lingvistik jarayonlar (Ethno-linguistic processes in Central Asia in the early Middle Ages). – Toshkent. Akademnashr. 2018. – B. 11.

нисбатан *öt-saw, ögüt, qumaru söz* атамалари билан бир қаторда *ma&al* атамасини ҳам қўллаган¹. «Алишер Навоий ижодида мақол атамаси «масал» тарзида берилади: «масалдурким – уйқу ўлимдир». «Масал» атамасининг XX аср бошларигача қўлланиб келингани маълум. Ўтган асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб мақол сўзи тез-тез учрай бошлайди. XX аср ярмидан эса фақат мақол тарзида қўлланди»².

Ҳозирги кунда мақол туркий халқларда турли атамалар билан аталиб келинмоқда³.

Баъзи манбаларда мақол ва маталлар парема/паремология атамаси билан ҳам қўлланади. «Паремология коинот қонуниятларини кузатиш, турмуш тажрибаларига суяниш асосида чиқарилган хулосаларни ифодаловчи, халқнинг жамиятга муносабати, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатларини мужассамлаштирган, авлоддан-авлодга оғзаки формада кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор мантикий умумлашма сифатида пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби ҳикматли ибораларни – паремаларни ўрганади»⁴. Манбаларда таъкидланишича, мақол тушунчасини ифодалаш учун йигирмадан ортиқ терминлар қўлланади⁵.

Маълумки, «бадий адабиёт воқеликни қандай формада акс эттиришига кўра бир неча турга бўлинади»⁶. Биз кўриб чиқаётган мақоллар насрий ҳам лирик турга киради. «Лирик турга кирувчи асарлар, одатда, кичик ҳажмли бўлишига қарамай, турмушни бадий, образли акс эттиришнинг барча хусусият ва белгиларига эга. Лирик турга кирувчи асарларда конкрет индивидуал кечинмалар орқали типик кечинмалар ифодаланади. Шу орқали лирик асарда бадий умумлаштириш вужудга келади. Яъни лирикада ҳам кечинма ва туйғулар типиклаштирилади... Эпик асарларда қаҳрамонлар бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар батафсил тасвирланса, лирикада инсон қалбида рўй бераётган бир лаҳзали туйғулар, мулоҳазалар ифодаланади. Шунинг учун ҳам вазн ва қофияга солинган ҳар қандай байт ёки банд лирика бўлавермайди»⁷. Юқорида айтилган фикрлар асосида мақолларнинг маъно ва мазмун қурилиши ихчам ҳамда пишиқ-пухта ўйланган бўлмоғи керак. Бунда у худди мумтоз адабиётимиздаги тўртлик шаклидаги шеърий жанрлардан рубойи, қитъа, туюққа ўхшайди. Чунки уларда ҳам шакл ва мазмун ўзаро мутаносиб, уйғун ҳолда қўлланилади. Насрий шаклдаги мақолларнинг яратилишида ҳам юқоридаги қоидаларга тўлиқ амал қилинади. Буларнинг барини мақол жанрининг тузилишдаги жанр хусусияти сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳозирги кунда туркий мақолларнинг ҳурматли ифодаловчи жиҳатлари ҳам тадқиқот доирасига тортилган⁸. Турли тил оиласига кирувчи тиллардаги мақолларда вақтни ифодаланиши

¹ Sodiqov Q. *Ilk o'rta asrlarda Markaziy Osiyoda kechgan etno-lingvistik jarayonlar* (Ethno-linguistic processes in Central Asia in the early Middle Ages). – Toshkent. Akademnashr. 2018. – B. 11.

² Xalq og'zaki poetik ijodi. O.Madayev, T.Sobitova. Toshkent. Sharq. 2003. 34-b.

³ *Бу ҳақида қаранг:* Türk dünyası edebiyat kavramları ve terimleri ansiklopedik sözlüğü (Turkish world literature concepts and terms encyclopedic dictionary). Türk dünyası ortak edebiyatı. Cilt 1. Ankara. Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı. 2001. – S. 250.

⁴ O'zbek tilining paremiologik lug'ati (Paremiological dictionary of the Uzbek language). H.Berdiyev, R.Rasulov. Toshkent. O'qituvchi. 1984. – B. 5-6.

⁵ *Қаранг:* O'zbek tilining paremiologik lug'ati (Paremiological dictionary of the Uzbek language). H.Berdiyev, R.Rasulov. Toshkent. O'qituvchi. 1984. – B. 6-7.

⁶ *Adabiyotshunoslikka kirish* (Introduction to Literary Studies). N.Shukurov, N.Hotamov, Sh.Xolmatov, M.Mahmudov. Toshkent. O'qituvchi. 1979. – B. 164.

⁷ O'sha asar – B. 179-180.

⁸ Imamova X.K. *Türk tilida hurmat kategoriyasi* (Honor category in Turkish). Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. Toshkent. 2017. – B. 16-17.

бўйича диссертация ҳам ёқланган¹. Шу билан бирга, зооним компонентли паремаларнинг изоҳли луғати яратилган².

Проф. Б.Саримсоқов мақоллардаги кенг мазмун ҳақида гапирар экан, ўзининг «Бадийлик асослари ва мезонлари» асарида бир мақол мисолида изоҳлаб шундай дейди: «*Бугдой нонинг бўлмасин, бугдой сўзинг бўлсин*» мақолини олинг. Биргина мақолда ширин сўзлик, одамийлик, лутф-эҳсон, меҳмондўстлик ҳақидаги халқнинг кўп асрлик тажрибаларида жамланган хулоса мужассамлашган. Агар биргина шу мақол мавзусида, унда таъкидланган ғояни ифодаловчи эпик, лирик ва драматик асарлар яратилмоқчи бўлса, ўнлаб роман, юзлаб ҳикоя, юзлаб шеър ёки дoston, кўплаб драмалар ёзиш мумкин. Шунда ҳам мавзу ва ғоя мақолдагидек аниқ, лўнда ва ёрқин ифодаланмайди»³. Бу фикр ихчам шакл, кенг мазмун учун билдирилган энг аниқ хулосадир.

«Йиллараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг – жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Ҳатто уларнинг муайян қисми унутилиб кетган»⁴.

«Аллегория [юн. Allegoria – ўзгача ифодалаш] – Мавҳум тушунча ёки ғояларни аниқ бир образ воситаси билан ифодалаш; мажоз. Масалан, *бўри сўзининг ёмонлик (ёвузлик), тулки сўзининг айёрлик ифодаси* учун қўлланиши»⁵га айтилади. бўлиб, «Девону луғати-т-турк»да келган мақолларнинг кўпчилигида қўлланган. Бу ҳодиса қадимги туркий мақолларнинг яратилиш ўрни билан боғлиқ. Профессор Қ.Содиқов ўзининг «Қадимги туркий халқларда шаҳарчилик, ўтроқ деҳқончилик маданияти ва яйлов турмуш тарзи» монографиясида «яйлов адабиёти»да халқ оғзаки ижодига хос жанрдаги асарлар яратилганини айтиб ўтади⁶. Булар орасида мақолларнинг мавжудлиги, уларда ҳайвонларнинг кўплаб қўллангани мақолларнинг яратилиш ўрни ва шароити тўғрисида сўзлайди. Ҳақиқатда ҳам девондаги мақолларда ҳайвонлар тимсолининг қўлланиши бежизга эмас. Мажоз орқали айтилаётган фикр ўқувчи онгига тез ва образли қилиб етказилади. Тингловчи ўз онгида буларни тезда ёдда сақлаб қолади. Адабиёт намуналарининг вазифаси ўқувчи онгида бирор воқеа-ҳодисага берилган баҳонинг образлар орқали акс эттирилиши экан, мақолда, айниқса мажоз ишлатилган мақолда бу яққол ўз тасдиғини топади. Масалан, *Tilkü öz inikâ ürsä, uđuz bolur* – «Тулки ўз инига қараб улиса [ирилласа, хурса], кўтир бўлади». Бу мақол ўз элини, уруғини ва мамлакатини ёмонловчиларга қарата айтилади (ДЛТ,36). Бу ерда турки – кўрнамак, ўз юртига сотқинлик қиладиган хоин сифатида гавдалдантирилган. Мажозий маънода қўлланилган мақолда тулки образи. Адабиётда тулки айёр, муғомбир маънода қўлланиши ҳам бежиз эмас. Мазкур мақолда ҳам унинг салбий хислати бўрттириб ишлатилган.

Яна бир мисол: *Öküž adaqı bolğınca, buzağü başı bolsa yeg* – «Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоғнинг боши бўлган яхшироқ». Бу мақол «мустақиллик – бўйсунитдан яхши» деган

¹ Paizbekova A.D. Ingliz, rus, o'zbek va qozoq tillari maqollaridagi vaqt representatsiyasining lingvokognitiv aspekti (Linguocognitive aspect of time representation in English, Russian, Uzbek and Kazakh proverbs). Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. Toshkent. 2019. – B. 52.

² Zoonim komponentli paremalarning izohli lug'ati (o'zbek, ingliz, rus tili materiallari misolida) (Explanatory glossary of zoonim components (for example Uzbek, English, Russian). Z.Xolmanova, D.Tosheva. Toshkent. 2016. – B. 360.

³ Sarimsoqov B. Badiylik asoslari va mezonlari. – Toshkent, 2004. – B. 89.

⁴ O'zbek xalq maqollari (Proverbs of Uzbek nation). Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. Toshkent, Sharq. 2005. 3- b.

⁵ Zoonim komponentli paremalarning izohli lug'ati (o'zbek, ingliz, rus tili materiallari misolida) (Explanatory glossary of zoonim components (for example Uzbek, English, Russian). Z.Xolmanova, D.Tosheva. Toshkent. 2016. – B. 72.

⁶ Қаранг: Sodiqov Q. Qadimgi turkiy xalqlarda shaharchilik, o'troq dehqonchilik madaniyati va yaylov turmush tarzi (The ancient Turkic peoples, urbanization, the culture of agriculture and the way of pasture life). Toshkent. 2017. – B. 86-88.



маънода қўлланилади (ДЛТ,37). Бу мақолда ҳўкиз рамзий маъно. Хўкизнинг орқа оёғи қанчалик кир эканлиги барчага маълум. Мақолда айнан хўкизнинг орқа оёғи бўлгунча, янги туғилган бузоқнинг боши бўлган яхши, чунки у хўкизнинг орқа оёғидан тоза, яъни мустақил ҳаракатлана олади, деган англашилмоқда.

Qaz qopsa, ördäk kölig igänür – «Ғоз (сувдан) кўтарилса, кўлни ўрдак эгаллайди». Бу мақол халқ орасидан бирор улуғ киши кетганидан кейин унинг ўрнига тубан бир кишининг кўтарилганига ишора қилиб айтилади (ДЛТ,54). Мазкур мақолда ҳам ўрдак ва ғоз муносабатлари остида мажозий маъно бор. Ғоз сувда яшовчи қушлигини барча билади. Ўрдак ҳам сув қуши. Лекин ғоз билан ўрдакнинг фарқи бор: ғоз ўрдакка нисбатан балчиқда яшамайди, унга лойли сув шарт эмас. Ўрдак эса балчиқли кўлмакни яхши кўради. Мақолдан англашилладиган маъно шуки, бирор ердан (ўриндан) яхши киши кетса, унинг ўрнига худди шундай яхши киши эмас, балки ўрдак каби фазилатга эга бўлган инсон келиши мумкин, деган фикрни англаш мумкин.

Baliq suwda, közi taşfin – “баликнинг ўзи сувда, кўзи ташда” (ДЛТ,152). Мақолдан балиқ сув ичида бўлиб, ташқарини кузатиб тургани айтилмоқда. Ушбу мақол бирор воқеа-ҳодисанинг ичида туриб, уни тушуна олмаётганлар тўғрисидадир. Чунки улар бирор вазиятда бўлсаларда, нима воқеабўлаётганини билмай турадилар. Бу ҳол худди оломон ичида туриб, нима бўлаётганини билмаётган кишига ўхшаганларга нисбатан айтилади.

Яна бир мисол: **alimči – arslan, berimči – sičğan** – “олимчи [яъни қарз берган] – арслон, беримчи [яъни қарз тўловчи] – сичқон” (ДЛТ,164). Ушбу мақолни аллегориянинг жуда гўзал намунаси сифатида қараш мумкин. қарз олган киши арслонга, қарз берадиган киши эса сичқонга ўхшатишмоқда. Матндаги **alimči** ва **berimči, arslan** ва **sičğan** ўзаро зид маънони ҳосил қиляпти. Ушбу мақолда ҳам аллегория, ҳам тазод қўлланилмоқда.

Хулоса шуки, мақолларда аксарият ҳолларда тавзеъ – товуш тақрори, ташбеҳ – ўхшатиш, ташхис – жонлантириш, интоқ, сифатлаш, тазод – қаршилантириш сингари лафзий ва маънавий санъатлар қўлланган. Биз бу борада дастлабки уриниш сифатида уммондан қатра олиб, сизга тақдим этияпмиз. Албатта, буюк тафаккур соҳиби бўлмиш ижодкор халқнинг минг йиллардан бери яшаб келаётган мақолларининг ҳар биридан кўплаб бадий санъат намуналарини топиш мумкин.

Айтиш мумкинки, кейинчалик мумтоз адабиётимизда акс этган санъатлар айна «Девону луғати-т-турк»да ўзининг дастлабки ифодасини топган. Ўзбек мумтоз бадий сўзининг энг ихчам, ёмбидек қуйма шеърлари – мақоллар халқимизнинг бадий тафаккури нечоғлиқ қадимий ва кўламли эканлигидан далолатдир.

Тазод – сўзларнинг гапдаги маъносига кўра қарама-қарши маънони англаштиришидир. Бу мақолларнинг кутбийлик белгисига асосланиб, мақол тематикасига кўра икки қарама-қарши шахс, нарс-предмет, воқеа-ҳодиса, хатти-ҳаракат қабилар ўзаро зидланиб, қиёсий хулоса берилади. Бунда бир-бирига зидланган воқеа-ҳодисалар тингловчига маълум бўлгани учун мақолдан хулоса чиқариш осон кечади. Ушбу санъат мақоллар матнида энг кўп қўлланадиган бадий тасвир воситасидир.

Тазод қадимги туркий мақолларнинг катта қисмини ташкил этади. Халқ кўп ҳолларда икки жиҳатни қарама-қарши қўйиш орқали чоғиштиришга, фикрлашга ундаган. Чунки улар тузилишига кўра икки воқеа-ҳодисанинг ўзаро солиштирилиши устига қурилгандир. Масалан: **Alp yağida, alçaq çoğida** – “Ботир ёв билан тўқнашганда (олишганда), ювош тиришишда синалади» (ДЛТ,31). Бу мақолда «алп» (ботир) – «алчак» (ювош)қа маъно жиҳатидан матн маъносидан келиб чиққан ҳолда қарши қўйиляпти.

Alimči – arslan, berimči – sičğan – “Олимчи [яъни қарз берган] – арслон, беримчи [яъни қарз тўловчи] – сичқон» (ДЛТ,164). Ушбу мақлдаги ҳар тўртала сўз маъносига кўра антонимдир.



Масалан, мақол матнидаги *alimči* билан *berimči* ўзаро матн мазмунига кўра қарама-қарши бўлса, *arslan* билан *sichgan* ҳам ўзаро зиддир. Солиштирилаётган нарсаларнинг биринчиси инсонлар бўлса, иккинчиси ҳайвонлардир. Шу бир мақолнинг ўзида тазод билан бирга ташбеҳ/истиора¹ (қарз олганни сичқонга, қарз берганни эса арслонга), аллегория (арслон ва сичқоннинг иштироки) ҳам қўлланилмоқда.

A:č ne yemäs, toq ne temäs – “Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди» (ДЛТ,44). Оч қолган одам олдиға нима қўйилса ҳам очлигини қондириш мақсадида ейди. Тўқ одам эса оғзига келганини гапиради, чунки унинг ғамини ейдиган қорни тўқдир. Мақолдаги *a:č* ва *toq* сўзлари қарама-қаршиликни ҳосил қилмоқда.

Erig irini yağliğ, ermägü başi qanlığ – “Тиришқоқнинг лаби ёғли, эринчокнинг боши қонли» (ДЛТ,41). Мақолда ким кўп меҳнат қилса, у яхши яшаши, қорни тўқ, лаби ёғлиқ бўлиши уқтирилмоқда. Лекин дангасалик фойда келтирмаслиги, унинг ортидан инсон камбағал бўлиб қолиши, ялқов бўлиб, охир оқибат барча ундан қочиши айтилмоқда. Бу ерда *erig* – тиришқоқ *ermägü* – эринчок, дангасаға зид қўйилмоқда. Мақол давомидаги *yağliğ* ва *qanlığ* сўзлари шу икки қарама-қарши қўйилган шахснинг хос сифатлари бўлиб, улар ҳам матн контекстида ўзаро зиддир.

Kiši alası içtin, yülqi alası taştin – “Кишининг оласи (бузук фикри) ичида; йилқиники ташида, сиртида» (ДЛТ,49). Мақолда келган *içtin* ва *taştin* сўзлар антонимдир. Бу ерда ҳам икки нарсаси: инсон ва ҳайвон характери солиштирилмоқда. Инсон ўз характери яширса, ташқарисига чиқармаса, ҳайвон эса бунда ўз характери ташқарисига чиқариши айтилмоқда. Инсоннинг ўз характери (хоҳ у яхши, хоҳ ёмон бўлсин) бошқаларга кўрсатиши одобдан эмас. Ҳайвонларга эса бунинг фарқи йўқ: улар хоҳлаган ерларида қилиқларини кўрсатаверади.

Tüzün birlä uruş, utun birlä üstärmä – “Ўвош одам билан уриш, чунки сен уни босишинг мумкин. Уятсиз, юзсиз одам билан уришма, чунки у сени шарманда қилади» (ДЛТ,98-99). Ушбу мақолда *tüzün* – “ювош» ва *utun* “уятсиз (уришқоқ)» сўзлари ўзаро зид. Мақолда ювош одам билан уятсиз, юзсиз одам солиштирилмоқда. Уларнинг характери бир-бирига зид эканлиги кўрсатиб берилмоқда. Бу билан инсонларга ким билан дўст бўлиш (яхши инсон), кимлар билан бўлмаслик (ёмон инсон) ҳам уқтирилмоқда.

Tünlä yurup kündüz sewnür,

Kičigdü ewlänip, ulğadu sewnür – “Кеч билан юриб кундуз севинади, чунки у йўлни кўрмасдан босади. Ёшлиқда уйланган киши қариганда севинади, чунки болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради» (ДЛТ,353).

Оғзаки ва ёзма нутқда *туну кун, каттаю кичик* сўзлари жуфт ҳолда қўлланади. Ушбу мақолда эса *tün* ва *kün* ҳамда *kičig* ва *uluğ* сўзлари маъно жиҳатидан ўзаро зидланиб, қиёсланиб хулосаға асос бўлмоқда. Шу тариқа мақолнинг услуб равиолиги таъминланмоқда.

Qırq yılqa tegin bay čığay tüzlinür – “Қирқ йилғача бой билан камбағал тенглашади» (ДЛТ,142). Мақолдаги *tüz* сўзи «тўғри, текис» маъносини англатади. Ушбу мақолда *bay* – бой ва *čığay* – камбағал сўзлари тазодни ҳосил қилган.

Bar – baqir, yoq – altun – “Бор – мис (қадрсиз), йўқ – олтин (қадрли)» (ДЛТ,145). Қўлда бор бўлган нарсаси мисдек қадрсиз, қўлда бўлмаган нарсаси олтиндек қадрли бўлади. Бу «олдинда оққан сувнинг қадрли йўқ» мақолини эслатади. Бу мақол яқинлар орасида хўрланиб юрган киши, кейин йўқлигида қадрли билиниши маъносида қўлланади. Мақолдаги *bar* ва *yoq* сўзлари антоним бўлса, *baqir* ва *altun* сўзлари мақол мазмунидан тазодни ҳосил қилмоқда.

¹ Hojiahmedov A. Mumtoz badiiyat lug'ati (Glossary of Classical Art). Toshkent, 2008. – B. 29-30.



Kiçig uluğqa turuřmas, qirğuy soñqurqa qarışmas – “Кичик чақон, шижоатли бўлса ҳам, катта билан олишишга кудратсиздир. Чунки каттанинг ҳийла ва зийраклиги бор. Шунга ўхшаш оқ лочин қирғий билан олишишдан ожиздир» (ДЛТ,235). Қирғий шунқордан ожиз деган шакли ҳам бор. Мақолда кичик – улуг, қирғий – шунқор қарама-қарши қўйилган.

Хулоса. Қадимги туркий мақолларнинг балоғат даражасига келишида фақат тил ҳодисаларининг ўзигина кифоя қилмаган. Бунда уларга бадий тасвир воситалари ҳам қўмаклашган. Қадимги туркий мақолларда бадий тасвир воситаларидан тазод, ташбех, ташхис, тарду акс, муболаға, мажоз каби кабилардан фойдаланилган. Мақолларнинг баъзиларида бир эмас, бир неча бадий санъатларни учратамиз. Бу ҳам мақолларнинг бадийати юксак даражада эканлигини, семантик жиҳатидан ҳамда ҳажм жиҳатидан балоғат даражасида эканлигидан далолат беради. “Девон»даги баъзи мақолларда келтирилган персонажлар эса инсонлар эмас, балки ҳайвонлар бўлиб, улар аллегория санъатининг гўзал намунасига мисол бўла олади. Улар орқали инсонлардаги ёмон иллатлар, хислатлар қораланган, ўхшатишлар орқали айтилмоқчи бўлган фикр ўқувчига етказилган. Бундай мақоллар халқнинг эстетик жиҳатидан ўй-фикрлари юқори даражадалигини англатади.

Айтиш мумкинки, кейинчалик мумтоз адабиётимизда акс этган санъатлар айна «Девону луғати-т-турк»да ўзининг дастлабки ифодасини топган. Ўзбек мумтоз бадий сўзининг энг ихчам, ёмбидек қуйма шеърлари – мақоллар халқимизнинг бадий тафаккури нечоғлиқ қадимий ва қўламли эканлигидан далолатдир.



НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ (ҒАРБ НАЗАРИЯСИ)

ТУРДИЕВА ҲУЛКАР

тадқиқотчи, ТДЎТАУ

Аннотация. Мақолада нутқий этикет бирликларининг ғарб олимлари томонидан ўрганилганлиги тадқиқ қилинади. Тадқиқотдан мақсад ғарб тилишунослари томонидан тадқиқ қилинган нутқий этикет бирликлари масаласини ўрганишидир. Натижаларга кўра уларни ўзаро солиштириши, таҳлил қилиши, умумий фикрларни баён қилиши вазифалари белгиланди. Мавзу тавсифий, таҳлилий, қиёсий услубда тадқиқ қилинди.

Ғарб тилишунослигида мазкур мавзу биринчи тадқиқотчилари бўлмиш калифорниялик Лакофф, америкалик Браун ва британиялик Левинсон ҳамда британиялик Лич назариялари батафсил ўрганилиб, кейинги авлод изланувчиларнинг уларга бўлган муносабатлари ҳам кўриб чиқилди. Нутқий этикет масалалари жаҳон миқёсида долзарблиги, тадқиқот натижалари амалий самарадорлиги асослаб берилди. Ғарб тилишунослигида Америка, Европа ва Россия илмий манбалари таҳлил этилди. Хулосага кўра, Ғарб маданиятида (АҚШ, Италия, Испания, Франция каби давлатларда нутқ этикети негатив (босим ўтказмаслик) ҳамда сайқаллашарсиз тўғридан-тўғри фикрни ифода этиши тамойиллари етакчи эканлиги аниқланди. Россияда носамимий нутқий этикет бирликларини қўллаш нутқий этикет қоидаларига зид бўлиб, позитив ҳурмат (face) ифодаланиши белгиланди. Британияда эса нутқни сайқаллаш, фикрни аниқ ифода этмаслик (мавҳумлик), босим ўтказмаслик тамойиллари етакчи бўлиб, негатив ҳурмат (face) ифодаси салмоқли даражада кузатилди.